27 ФЕВ 1992

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 38 (21. 157) 1992 йил 22 февраль, шанба ●

Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказиш, ташқи бозорда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, чет мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсдаги самарали ишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо ва ҳорижий алоқалар давлат комитети негизида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошида Ўзбекистон Республикаси Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси негизида тижорат-реклама маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ишлаб чиқариш фирмалари амалга оширадиган четга чиқариладиган ва четдан олинадиган товарлар экспертизасини ўтказиш, чет элларда кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш, шунингдек, реклама хизматлари кўрсатиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг республика учун устивор йўналишларини белгилаш асосида давлат ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш, ташқи савдони рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиб туриш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг Ўзбекистон ҳудудида иш кўраётган қатнашчилари ана шу фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибга қандай риоя этаётганликларини назорат қилиш;

Ўзбекистонда ва ундан ташқарида республиканинг ташқи иқтисодий манфаатларини ифодалаш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

Ўзбекистонни жаҳон хўжалик алоқаларига фаол жалб этиш йўли билан республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг хорижий мамлакатлар маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш;

ташқи иқтисодий алоқалар тармоқлари мажмуини ривожлантириш, жумладан, ахборот тизимларини вужудга келтириш, транспорт-экспедиторлик хизматини таъминлаш, четга чиқариладиган ва четдан олинадиган товарларга шаҳодатнома бериш;

республиканинг четга мол чиқариш қувватини ошириш га оид таклифларни ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, жумҳуриятнинг маблағларини чет элларда оқилона жойлаштириш;

жумҳуриятда, шунингдек, чет элларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти қатнашчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар билан, шунингдек, бошқа хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар масалаларида ҳамжиҳатликни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин, вазирлик тузилмасини ва унинг ҳақидаги Низомни тасдиқласин, республика ҳукуматининг меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

5. «Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 12 июлдаги Фармон ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 21 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Қ. ХОЛМИРЗАЕВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Қаюм Холмирзаев Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 21 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Ғ. ФОЗИЛОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Ғулом Фозилов Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 21 февраль.

БОШ ҚЎМОНДОН БУЙРУҒИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг халқлари ва жангчилари эртага Қуролли Кучлар кунини нишонлайдилар. Шу муносабат билан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Бирлашган Қуролли Кучлари бош қўмондони, авиация маршали Е. Шапошников буйруқ чиқарди. «Ватан ҳимоячиларининг янги авлодлари Қуролли Кучларнинг қаҳрамонона анъаналарини давом эттирмоқдалар ва бойитмоқдалар, — дейилади унда. Ватаннинг мудофаа салоҳиятини сақлаб қолиш учун, Қуролли Кучларнинг маҳорати ва жанговар шайлигини зарур ва етарли даражада сақлаш учун ҳамма ишни қилмоқдалар».

Бош қўмондон жангчиларни, командирларни, уруш ва меҳнат фахриларини Қуролли Кучлар куни билан табриклади.

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат. (ЎзА).

ИТАЛЬЯН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 21 февраль куни Италиядаги «Италграни» фирмасининг президенти Франческо Амброзио бошчилигидаги шу фирма делегациясини қабул қилди.

Икки ўртада бўлиб ўтган рўй-рост суҳбатда Ўзбекистон билан Италия ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида гаплашиб олинди. Иккала давлатнинг ўзаро муносабатлари тўла ишонч ва ҳурмат асосига қурилиши кераклиги таъкидланди.

Италиялик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари — унинг бой табиий ресурслари, деҳқончилик — саноат салоҳияти билан таништирилди. Жумладан, бир қанча фойдали қазилмаларни, пахта, қоракўл, пиллани экспорт қилиш эҳтимоли ҳақида гап борди. Италия томонидан Ўзбекистонга баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида, қўшма корхоналар барпо этиш, айниқса деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган технология линияларини яратиш тўғрисида ҳам гапирилди. Ўзбекистонда тузилиши мумкин бўлган шартномалар муҳокама қилинди. Иккала мамлакатнинг фирмалари ўртасидаги ҳамкорликка алоқадор масалалар тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, республика давлат ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа комитетининг раиси Ў. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг раиси Р. С. Азимов қатнашдилар.

(ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Биродарим Ислом Каримов жаноби олийларига!

Ўзбекистон Республикасининг муҳтарам Президентига

Ассалому алайкум, Оллоҳ ўзи Сизни паноҳида асрагай.

Ўзбекистон Республикасини мустақилликка эришгани муносабати ила шахсан Сизни, мамлакатингизни, Ўзбекистон халқини чин дилдан қутлаш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Ўзбекистонни жаъмики мусулмонлар муаммоларини ҳал этишда таянч, ҳаётбахш манба, минтақада, бутун дунёда хавфсизликни таъминлаш ва вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим омилларидан бири деб биламан.

Менинг шахсий мактубимни Сиз жаноби олийларига Қироллик Аъло ҳазратлари, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Амир Саид ал Файсал олиб бораётганидан мамнунман. Қироллик номидан муқаддас ватанингизга ташриф билан бораётган Амир Саид ал Файсалга дипломатик алоқалар ўрнатишдан тортиб, иккала мамлакат ўртасида манфаатли ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича музокаралар олиб бориш ваколати берилган. Мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилажак бу алоқалар муборак дини ислом, муштарак маданият ва қадриятларимизнинг ёркин ифодаси бўлади деб умид қиламан.

Сиз Жаноби Олийларини ўзларига қулай пайтда Саудия Арабистонига — иккинчи мамлакатингизга келишга лутфан таклиф этаман.

Сизга Оллоҳ таоладан мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият, Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Саудия Арабистони Қироли

Фахд бин Абдул Азиз ал Сауд.
Эр-Риёд. 18 февраль. 1992 йил.

Вилоят ҳокими тасдиқланди

Халқ нойиблари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Вилоят маъмуриятининг бошлиғини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига мувофиқ нойблар халқ нойблари вилоят Кенгашининг раиси Ғ. Ф. Фозиловни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тасдиқладилар.

Ғуломжон Фозилов 1936 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Олий маълумотли, ихтисосига кўра — инженер-гидротехник. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳини 1959 йилда муваффақиятли битирганидан кейин ўз меҳнат фаолиятини Фарғона вилояти суғориш тизимлари бошқармасининг ишлаб чиқариш ташкилотида муҳандис лавозимидан бошлади. Сўнгра ихтисосига мувофиқ сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотларида ишлади. Комсомол, партия, совет ишида бўлди. Ўзбекистон Республикасининг халқ нойби.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Сессия ишида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов қатнашдилар.

(ЎзА).

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Халқ демократик партияси аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмита ва комиссияларининг раислари билан учрашув бўлди. Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон ХДПнинг республика Президенти сайловидан кейинги фаолияти, Марказий Кенгашнинг ташкилий-сиёсий ишлари, партиянинг қонунчиликка оид таклифлари, шунингдек унинг ҳозирги олиб бораётган фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Учрашув қатнашчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмита ва комиссиялари раислари, ХДП аъзолари: П. Қодиров, Ф. Нажмитдинов, Ш. Мирзаев, А. Аъзамхўжаев, Э. Халилов Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши фаолияти ҳамда унинг Олий Кенгаш қўмита ва комиссиялари билан ўзаро алоқаларига доир ўз таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Қизиқарли ва жонли мулоқот тарзида ўтган учрашувда бошқа қатнашчилар ҳам ўз фикрларини билдирдилар ва шундай мулоқотни бундан буён вақти-вақти билан ўтказиб туриш фойдали эканлигини таъкидладилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиблари А. Носиров, И. Кочмарик, А. Сандов иштирок этиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

О. НАЗАРОВ.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкентдаги Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳида матбуот, тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ходимларининг семинар-кенгашини ўтказди. Семинар-кенгашни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носиров кириш сўзи билан очди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт қўмитаси молия ва нархнаво бўлимининг мудири З. А. Абдуллаев «Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос хусусиятлари», фавқулодда ва мухтор элчи Б. А. Абдураззоқов «Ўзбекистон халқаро майдонга чиқмоқда», Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Ҳ. Саидов «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг кўппартиялилик шароитида иш олиб бориш шакл ва усуллари», Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов «Тошкент шаҳридаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, тузилмалар билан вазиятни барқарорлаштириш мақсадига йўналтирилган ўзаро муносабатлар ҳақида» деган мавзуда маъруза қилдилар.

Семинар-кенгашда, шунингдек, «Ҳозирги даврда партия ташкилотларининг тарғибот, ташвиқот ва оммавий-сиёсий ишларни олиб боришининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида» мавзуида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Р. Раҳмонов семинар-кенгаш қатнашчиларига рўзнома жамоасининг фаолияти ва режалари ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири А. М. Жалолов семинар-кенгаш ишини якунлади.

Р. ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбири.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

ОММА БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг ҳаёти ва ишлари, ХДП аъзоларининг фаолияти, улар олдида турган муаммолар билан танишиш мақсадида қўриқ областга ташриф буюрди. Ў куннинг биринчи ярмида Сирдарё райони саноат корхоналари ва хўжаликларида бўлди.

Янгийўл пойабзал фабрикасининг филиали вилоятдаги кенжа корхоналардан бири. Унинг ишга туширилганига эндигина бир йилдан ошмоқда. Шунга қарамай ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 101 фоиз бажарилди. Корхонани лойиҳадаги қувватига етказиш учун амалий ишлар қилинмоқда. Хом ашё тақчиллиги, боз устига қимматлашувга қарамай, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти. «Гонконг Цинзянь» фирмаси билан иқтисодий алоқа ўрнатилганлиги кўп нарсага умид бағишламоқда.

М. М. Расулов пойабзалчилар меҳнати билан яқиндан танишди. Ишчилар, мутахассислар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ва унинг Дастурига муносабатлари билан қизиқди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда янги ишчи ўринларини барпо этиш, одамларни иш билан таъминлаш, кишиларга яхши даромад кўришлари учун имкон яратиш энг муҳим вазифалардандир. Масалага шу жиҳатдан ёндошганда, мазкур филиалнинг аҳолиси зич жойлашган Сирдарё шаҳрида барпо этилганлиги эътиборга лойиқдир. Ҳозир бу ерда 330 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Корхона 400 га яқин иш ўрнига эга. Маҳсулот сифатини ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш лозим. Ишни икки сменада ташкил этиш чораларини ҳам кўриш зарур. Биринчи котиб корхона маъмурияти ва ХДП бошланғич ташкилоти котиби эътиборини ана шу муаммоларга қаратди.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби фабрика ошхонасига кирди. Агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида муайян ишлар бажарилаётганлигини ижобий баҳолаш мумкин бўлса, корхона меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликдан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Район ва корхона раҳбарлари, бошланғич партия ташкилоти тегишли идоралар билан бу соҳадаги камчиликларни кечиктирмай бартараф этишлари зарур. Токи ишчилар ғамхўрликни амалда сезиб турсинлар, дард ва ташвишларини енгилатишда, муаммоларни ҳал этишда партия ташкилотларига суянсинлар.

М. М. Расулов «Ленинград» жамоа хўжалигида бўлди. Моҳир ташкилотчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров раҳбарлик қилаётган бу хўжаликнинг довруғи бутун республикага ёйилган. Колхоз маъмурияти ва партия ташкилотининг давр билан ҳамнафас иш юритишлари туфайли хўжаликда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги иқтисодий танглик даврида жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмоқда. Қўзибоқар Синдоров И. А. Каримовнинг хўжаликлар томонидан етиштирилган ҳосилнинг режадагисидан беш фоизи ва режадан ортиғини тўлалигича хўжаликлар ихтиёрида қолдириш борасидаги Фармонидан мамнун бўлиб гапирди.

Дарҳақиқат, ана шу Фармонга биноан хўжалик бу йил 76 тонна пахта толасини савдо биржалари орқали сотиб, 5 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрди. Унинг 3 миллион сўми жамоа аъзоларига қўшимча даромад сифатида тарқатилмоқда. Айни пайтда ҳозир омборларда минг тонна ғалла бор. Хўжаликнинг ўз тегирмони ишлаб турибди. Яқинда муҳтож оилаларга 40 килограммдан бепул ун тарқатилди. Буларнинг ҳаммасида жамоада тузилган тўртта ҳудудий партия ташкилотининг ҳиссаси катта. Бошланғич ташкилот маҳаллий Кенгашлар фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, энг долзарб вазифаларни биргаликда ҳал этмоқда.

Учрашувлар чоғида ушбу хўжаликнинг бой ва қимматли тажрибаларини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

М. М. Расулов куннинг иккинчи ярмида Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Тикув цехлари, ишчилар ошхонаси, даволаш муассасаларини кўздан кечирди.

Бирлашмада тикувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 1500 сўмга тўғри келаётгани, илғор цехларнинг баъзи ишчилари эса 2,5—3 минг сўмдан иш ҳақи олаётгани, бирлашманинг бетўхтов ишлаши учун барча зарур чоралар кўрилаётгани мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Ишчилар ошхонасидаги ибратли ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Ошхонада 6 хилда таом тайёрланмоқда. Новвойхона ишлаб турибди. Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси ва бошланғич партия ташкилоти ўзаро ҳамкорликда ҳар бир ишловчига кунига 7 сўмдан овқат пули ажратишга эришдилар.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда тикиб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш, шу йўл билан имкони борича одамлар оғирини енгиллатиш, ижтимоий вазиятни юмшатишга хизмат қилиш лозимлиги таъкидланди.

М. М. Расуловнинг қўриқ воҳа меҳнаткашлари билан учрашувлари чоғида унга вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ҳамроҳлик қилди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ХДП Андижон вилоят Кенгашида суҳбат ўтказди

Андижон вилоят партия кенгашида партия ташкилотининг мустақил жамиятда тутган ўрни, олиб бораётган ишлари ва унинг обрўсини ошириш мавзуида суҳбат ўтказилди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзолари: вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров, иккинчи котиби А. Раҳимов, ХДП Балиқчи район кенгашининг биринчи котиби С. Расулова, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби З. Саидхўжаев, Шаҳрихон районидаги «Найнаво» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби Р. Раҳимов, ХДП Избоскан район кенгашининг котиби Т. Кўчқоров иштирок этдилар. Улар ҳозирги сиёсий ҳаёт ва партиянинг обрўсини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, бундан кейинги мақсад-режалари хусусида баҳс юритдилар. Суҳбатни А. Раҳимов бошқарди. Қуйида шу суҳбат тафсилоти эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Нўъмонжон ШОКИРОВ: — Ҳозир қўлни ҳам, ақлни ҳам тинимсиз ишлатадиган пайт. Биз бутун диққат-эътиборни партия аъзолари ва халқ ноиблари билан ишлаш, партияга янги аъзолар қабул қилиш, халқ ноибларини ўз томонимизга оғдириб олишга қаратяпмиз. Вилоят ва барча шаҳар, район кенгашларида партия аъзоси бўлган халқ ноибларидан иборат партия гуруҳлари тузилди. Бундай партия гуруҳлари қишлоқ ва посёлка кенгашларида ҳам тузила бошланади. Вилоят, шаҳар, район кенгашларида ўрни бўшаб қолган округларда дарҳол партия аъзоларидан халқ ноиблигига номзодлар кўрсатишяпти.

Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойида белгиланган йўл-йўриқларга амал қилиб, турли жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ёшлар уюшмалари, жамғармалар миллий-маданий марказ идоралари билан алоқа ўрнатяпмиз. Бу ҳамкорлик турли шаклларда намоён бўляпти. Жумладан, вилоят партия ташкилоти Қизил ярим ой жамияти билан биргаликда Избоскан, Бўтақора ва Қўрғонтепадаги ногирон аёллар, эркаклар ва болалар уйлари, Андижон шаҳридаги қариялар уйига бориб, у ердаги шарт-шароит, озиқ-овқат таъминоти масаласини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатди. Янги йил арафасида эса хотин-қизлар қўмиталари, фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда ночор оилаларга совғалар улашди. Вилоятдан ташқаридаги олий илмгоҳларда таълим олаётган талабалар ҳузурига бориб уларга баҳоли қудрат ёрдам бериш анъанага айланиб қолди.

Вилоят партия кенгаши бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан кам даромадли оилаларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераяпти. Учта ота-онасиз ва ногирон болалар уйи, 3 та ногирон ва қаровчиси йўқ қариялар уйи оталиққа олинди. ХДП вилоят ва район кенгашлари, меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик вилоят жамғармаси ташаббуси билан шу йил биринчи март куни меҳр-мурувват куни, деб эълон қилинди. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг учун маблағ керак.

Избоскан районидаги меҳнат жамоалари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари камбағалларга ёрдам кўрсатиш учун пул йиғиш ташаббуси билан чиқдилар. Район чорвачилик бирлашмасининг директори Ғ. Сирожиддинов меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармаси га ўз шахсий жамғармасидан 5 минг сўм, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан А. Ўлмасов 1000 сўм, Пойтуғ шаҳар кенгашининг раиси Ф. Зокиров 200 сўм пул ўтказдилар. Шу район матлубот жамияти, пахта заводи, Н. Жўраев номли жамоа хўжалиги, Пойтуғ пиллакашлик фабрикаси жамоалари ва бошқалар ҳам жамғармага анча пул бердилар.

Бу ташаббуснинг моҳияти шундаки, у партиянинг молиявий хўжалигини тиклашда катта аҳамият касб этади. Биз бундай ташаббусларга кенг йўл очишимиз керак.

Бугун биз ХДП кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва партия қуйи бўғинлари жанговарлиги, ташаббускорлиги, партия аъзоларининг жамоадаги намунавийлиги, фаоллиги ва ишчанлигини ошириш соҳасида нималар қилиниши зарурлиги хусусида эркин фикрлашиб олиш учун тўпландик. Партия ишида дуч келинаётган қийинчиликлар, муаммолар, тўсиқлар ҳақида ошкора гаплашайлик, дардларимизни яширмайлик. Чунки, биз ҳали халқда партияга ишонч, эътиқод уйғота олганимиз йўқ. Марҳамат, ким нима дейди.?

Саодат РАСУЛОВА: — Халқ демократик партияси ташкилий даврдан ўтиб, амалий ишга киришди. Халқ орасида унинг мақсади, Низоми ва Дастурини кенг тарғиб қиляпмиз. Районимизда партияга қабул қилиш соҳасида анча иш қилинди. Собиқ коммунистлардан 1600 киши Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, қайта рўйхатдан ўтди. 215 киши эса партия сафига янгидан кирди. Бу бизни қаноатлантирмайди. Шу боисдан партия сафини ўстириш учун кишилар билан яккама-якка суҳбат ўтказяпмиз. Районимиздаги нотўқима материаллар фабрикасида 46 нафар партия аъзоси бор эди. Шахсан ўзим шу фабрикага бориб, ишчилар билан суҳбатлашдим. Ўша куниёқ 9 киши партияга қабул қилишни сўраб ариза берди. Демак, яккама-якка мулоқотнинг фойдаси катта.

Район партия кенгаши аппаратида тўрт киши ўрнига уч нафар инструктор ишлаяпти. Сабаб: партиянинг молиявий аҳволи оғир, маблағ етишмайди. Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақини қопламайди. Шунинг учун биз хўжаликлар билан шартномалар тузиб, дала шийпонларини жиҳозлаш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ишларни амалга ошириш, турли маросимларни ўтказиш, қабристонларни обод қилишни ўз зиммамизга олдик. Хўжаликлар эса партия ташкилотларини молиявий жиҳатдан қўллаб турадиган бўлдилар.

Партиянинг обрўсини ошириш учун ўз устимизда ишлашимиз, ижодий изланишимиз, ўрганишимиз, иқтисодий билимга эга бўлишимиз керак. Ҳаёт шуни тақозо этяпти. Биз иқтисодий ўқишни йўлга қўйдик. Раҳбарлик лавозимларида ишлаётган партия аъзоларининг маҳорати, масъулиятини ошириб бориш ҳам жуда муҳим. Районда 61 та ҳудудий партия ташкилоти туздик. Навоий номли жамоа хўжалигида партиянинг қуйи бўғини котибларига ойлик маош белгиланди. Район бўйича 16 та йирик бошланғич партия ташкилотининг котиби рағбатлантирилди. Котибларга иш ўргатяпмиз, уларни мустақил ишлашга даъват этяпмиз, Йирик партия ташкилотларида кичик корхоналар очиш ҳақида ўйлаяпмиз.

Мен Марказий Кенгаш аъзоси сифатида партия қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашяпман. Айниқса президентлик сайловини ўтказишда фаол қатнашдим.

Зафаржон САИДХЎЖАЕВ: — Ташкилотнинг номидан ҳам маълумки, у халқ партиясидир. Шундай бўлгач, халқнинг ичига, дилига киришимиз, унинг дардини билишимиз, буйруқбозликдан, қуруқ ваъдалар бериб халқни алдашдан қочишимиз керак. Ҳозирги ёшлар партиянинг келажагидир. Собиқ ёш коммунистлардан 2500 нафари ўз ихтиёри билан ХДП аъзолигига ўтди. 2000 дан ортиқ ёшлар эса партия сафига янгидан кирди. Ҳар беш ХДП аъзосидан биттаси ёшлардир. Вилоят ёшлар қўмитаси аппаратида 7 нафар партия аъзоси ишлаяпти.

Президентимизнинг режадан ортиқча пахтани деҳқонларга инъом этиш тўғрисидаги Фармонидан кейин Жалолқудуқ райони ёшлари имкониятдан фойдаланиб, режадан ташқари териб олинган пахта толасини 400 минг сўмга сотишни мўлжаллашяпти. Бу ишнинг ташаббускори ХДП аъзоси, район ёшлар қўмитасининг биринчи котиби Бахтиёржон Жумабоевдир.

Вилоят партия кенгаши ёшлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиляпти. Қўмитамизни бино билан таъминлади ва ижара пули олмайдиган бўлди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан Халқ демократик партияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Вилоятда ҳам шундай шартнома тузишга тайёргарлик кўряпмиз.

Партиянинг обрўси масаласига келсак, менинг назаримда у аста-секин ошиб боряпти. Уни янада мустаҳкамлаш ҳар бир партия аъзосининг фаоллиги, қуйи ташкилотнинг иш услуби ва савияси, раҳбарлик лавозимида ўтирган кадрларнинг ғайрат-шижоати, ишбилармонлигига боғлиқдир. Унинг обрўсини кўтаришда сиёсий ўқишларни тиклаш, машғулотларнинг жонли, қизиқарли ўтишини таъминлаш, ҳар қандай ўткир муаммога бирга-ликда жавоб топиш, партия йиғилишлари қабул. қилган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш жуда муҳимдир. Бунингсиз партия ташкилотининг обрўсини ошириб бўлмайди.

Мен Марказий Кенгаш аъзоси ва вилоят партия Кенгаши ижроия бюросининг аъзоси сифатида ана шу йўлдан боряпман. Ёшларда партияга ишонч, эътиқод уйғотиш менинг асосий шиоримдир.

Рўзиохун РАҲИМОВ: — Бугунги кунда бошланғич партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлашдан қийин иш йўқ. Чунки ташкилотнинг обрўси энди шаклланяпти, партия аъзоларининг аксарият қисми ҳануз иккиланиб турибди. Бунинг сабаби кўп. Аввалги партиянинг обрўси тушиб кетган, халқ унга ишонмай қўйган эди. Шундай шароитда ХДП аъзоларининг эътиқодини тиклаш ниҳоятда мушкул иш. Лекин биз бу қийинчиликни ақл-идрок билан енгишимиз, бошқаларга ўрнак кўрсатишимиз, халқни янги партиянинг кучига ишонтиришимиз, орқамиздан эргаштиришимиз лозим.

Одамлар ишончини қозониш,.. Бундай шарафга фақат иш ва сўз бирлиги билангина эришиш мумкин. Бироқ баъзи раҳбарлар шикоятчиларга бир амаллаб ваъда бериб юборишади. Кейин эса ўз ваъдасини унутиб қўйишади. Оқибатда улардан қочиб юришади. Минбарларда таъсирчан сўзлар айтишади-ю, амалда ўз сўзлари устидан чиқишмайди. Айрим қарорлар шунақанги умумийки, уни бажармасанг ҳам бўлаверади. Мен ХДП ва унинг аъзолари ана шундай эскича иш услубидан ҳоли бўлишини истайман.

Мени хўжалик партия ташкилотига котиб қилиб сайлашганидан кейин зиммамга оғир вазифа юкланганлигини ҳис этдим. Бурчимни ўташга интила бошладим. Иш жараёнида баъзи собиқ коммунист раҳбарларнинг қилиғи мени ҳайратга солди. Собиқ партиянинг ҳузур-ҳаловатини кўриб, мансабга эришган кишилар Халқ демократик партияси тузилгач, ўзларини четга олдилар. Эндиликда бундай товламачиликка чек қўйиш керак.

Толибжон ҚУЧҚОРОВ: — Обрў ўз ўзидан келмайди. У меҳнат билан мисқоллаб йиғилади. Партия ташкилотлари вилоят ва район ҳокимлари билан мустаҳкам алоқада бўлишлари керак. Партиявий ишимизни талаб даражасида деб бўлмайди. Чунки, партия ташкилотларида ишбилармон, ҳақиқий етакчилар кам. Улар ўз устиларида кўп ишлашлари зарур.

Партиянинг норматив — методик ҳужжатлари, партия ҳужжатлари, партия билетлари шу пайтгача жойларга етказиб берилмагани ҳам айрим ишларни бажаришда сусткашликка сабаб бўляпти. Партия шаънига таъна тошлари отилаётган бир пайтда сусткашликка чек қўйиш, вилоят партия аъзолари амалий ишлари билан партия йўлининг тўғри, одил йўл эканлигини кўрсатишлари керак. Шу кунги партиявий ишни мукаммал биладиган заҳматкаш инсонлар Андижон вилоятида кам эмас.

Мен Марказий Кенгаш аъзоси ва ХДП Избоскан район кенгашининг котиби сифатида партия Низоми ва Дастурини тарғиб қиляпман. Партия сафини ўстириш тўғрисида ўйлаяпман.

Анварбек РАҲИМОВ: — Андижон вилоятида 17 та ХДП шаҳар ва район кенгаши, 879 та бошланғич партия ташкилоти ишлаб турибди. 24 минг ХДП аъзоси бор. Шундан ўзбеклар — 22 минг, қирғизлар — 780, руслар — 340, тожик ва татарлар — 440 нафар, қолганлари бошқа миллат вакилларидир.

Партия ташкилотларида ишлаётган ходимлар орасида партиявий ишни яхши тушунадиган ва тушунмайдиган кадрлар ҳам бор. Зарурат юзасидан котибликка сайланиб қолган тажрибасиз кадрларни ғоявий чиниқтириш мақсадида кенгашлар, суҳбатлар, баҳслар ўтказяпмиз. Раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ХДП аъзолари орқали партиявий интизомни мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз.

Вилоятимиз бўйича 10 нафар партия аъзоси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси қилиб сайланган. Бу — катта куч, улар халқ орасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ишларни олиб бормоқдалар. Вилоят партия кенгаши сиёсий маориф уйини вилоят маданий-маърифий марказига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олдимизда ҳали катта вазифалар турибди. Аъзолик бадаллари тўплашни тартибга солишимиз керак. Вилоят бўйича тўпланадиган аъзолик бадали ўрта ҳисобда 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Партия ходимларини иш ҳақи билан таъминлаб туриш ва бошқа эҳтиёжлар учун эса 6 миллион сўм пул керак. Бошқача айтганда, эҳтиёжни қоплаш учун 4 миллион 750 минг сўм пул етмайди. Шунинг учун олдинги партиядан қолган мол-мулкни авайлаб сақлаяпмиз. Унинг ортиқчасини ижарага беряпмиз. ХДП Марказий Кенгаши ҳам молиявий хўжалигимизни яхшилаш учун маълум миқдорда пул ажратди.

МУХБИР ИЗОҲИ: Суҳбат ишчанлик руҳида, қизғин баҳслар билан ўтди. Партия ташкилотларининг мавқеи, роли, обрўсини ошириш борасида қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида аниқ фикр ва мулоҳазалар айтилди. Халққа хизмат қилиш, уни ижтимоий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан ҳимоялаш кишиларнинг турмушини енгиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш Халқ демократик партиясининг яқин йиллар ичида амалга оширадиган вазифаси бўлиб қолиши ҳақида яхши истаклар билдирилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМАРҚАНДГА ТАШРИФ

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауд бошчилигидаги делегация 21 февраль куни Самарқандга келди.

Самарқанд аэропортида меҳмонларни ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси П. М. Абдураҳмонов, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши ижроия комитети раиси М. В. Ғаниев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Сауд ал Файсал ал Сауд ва делегация аъзолари шаҳарнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, ноёб асори-атиқаларини завқ билан кўздан кечирдилар, Челак районидаги имом Исмоил ал Бухорий масжидини зиёрат қилдилар, мусулмонлар ҳаёти билан танишдилар.

Саудиялик меҳмонлар шу куни Самарқанддан Душанбега жўнаб кетдилар.

(ЎзА).

Эшитмадим деманглар

Сайёрамиз нафаси

• Янгиликлар

26 МАМЛАКАТ ИШТИРОКИДА

● **Россия Олий Кенгашининг Раиси Руслан Хасбулатов Страссбург шаҳрига келди.**

Бу ерда Европа парламентлари раисларининг анжумани очилди. Қитъадаги 26 мамлакатни бирлаштириб турган ташкилотлар — Европа кенгаши анжуманни ўтказяпти.

ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФ

● **Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев икки кунлик расмий ташриф билан Ҳиндистонга келди.**

Ташриф Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи П. В. Нарасинха Рао таклифига биноан ўтказиляпти.

ДЎСТЛИККА ДАЪВАТ

● **Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Тоғли Қорабоғдаги воқеалар муносабати билан баёнот тарқатган.**

«Ақл-идрок тантана қилсин» — баёнотнинг асосий мазмуни шундай. Унда шунингдек, мустақиллик йўлига ўтган Озарбайжон ва Арманистон давлатлари бирдамлиги, қора металл прокати олади. Мудофаа маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш ҳам кўзда тутилган.

МОСКВАГА ТАШРИФ

● **Шимолий Атлантика блоки (НАТО) бош котиби Манфред Вернер якшанба куни Россия ҳукуматининг таклифига биноан Москвага келади.**

Ташриф давомида Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда бошқа расмий кишилар билан учрашувлар кўзда тутилган. М. Вернер Шимолий Атлантика блоки аъзолари — мамлакатларнинг Москвада муваккил қилинган элчилари билан ҳам учрашади.

• Шарҳлар

РЎЗНОМАНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

● **«Чайна дейли» рўзномасининг ёзишича, Хитой ҳукумати нарх белгилашни чуқур ислоҳ орқали бозор томон яна бир қадам қўяди.**

Хўжалик бошқаруви тизимини ўзгартириш давлат қўмитаси вакилининг сўзига асосланиб рўзнома шуни ҳам ўз муштарийларига етказади: бу йил давлат секторидаги саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган кўпгина моллар нархига эрк берилади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

● **АҚШ мудофаа вазирининг расмий вакили Боб Холл Вашингтонда сўзга чиқиб, шу гапларни айтди:**

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги—МДҲ мамлакатларига Америка ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш давом этаётир. «Умид» рейслари 10 февралда бошланган бўлса, шу ҳафтанинг бошларигача самолётлар 39 марта қатнади. Жойларга 1327 тонна турли юклар етказиб берилди. Самолётлар асосан Американинг Германиядаги Рейн — Майн ҳарбий-ҳаво базасида шунингдек, Туркиядан парвоз қилган.

ШАФҚАТ КЎРСАТИЛДИ

● **Чили президенти Патрисио Эйлвин мамлакат ҳокимияти Эрих Хонеккерни қабул қилиш учун тайёр эканлигини тасдиқлади.**

Сантъягодан олинган хабарларга қараганда президент маҳаллий журналистлар ҳузурида баёнот берган. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан унинг ҳукумати ўзининг олдинги қарорини ўзгартирди ва ГДРнинг собиқ раҳбарини Чилига киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Маълумки, бу ерда собиқ раҳбарнинг қизи Соня ва икки набираси истиқомат қилишади.

(Жаҳон агентликлари хабарлари асосида тайёрланди.)

• Хабарлар

ҲАЗИНАДАН ЗИЁН

● **Жанубий Африка Республикаси бош тафтишчисининг Кейптаунда маълумотномаси тарқатилди.**

Бошқа мамлакатлардаги шериклар билан учта маҳфий молиявий операция барбод бўлиши натижасида Жанубий Африка хазинаси 5,9 миллион ранд (Американинг салкам 2 миллион доллари) миқдорида зиён кўрди.

Маълумотномада ёзилишича, «чет эллик қандайдир вакил сохта ҳужжатларни кўрсатиб мол юбориш эвазига Жанубий Африканинг ҳисоб варақасидан 2,3 миллион ранд пулни олиб кетган. Аммо ваъда қилинган молдан дарак бўлмаган».

ИЖОБИЙ ИСТИҚБОЛЛАР

● **Болгария саноат ва савдо вазири Иван Пушкаров журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, Россия Федерациясси билан Болгария ўртасида имзоланган протоколни шарҳлади.**

Маълумки, иккала давлат бу йилги савдо-иқтисодий алақалар ҳақида келишиб олишган. Болгария бу йил Россияга парранда гўшти, дори-дармон ҳамда бошқа моллар етказиб берса, у Россия Федерациясидан ёнилғи материаллари, қора металл прокати олади. Мудофаа маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш ҳам кўзда тутилган.

МОСКВАГА ТАШРИФ

● **Шимолий Атлантика блоки (НАТО) бош котиби Манфред Вернер якшанба куни Россия ҳукуматининг таклифига биноан Москвага келади.**

Ташриф давомида Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда бошқа расмий кишилар билан учрашувлар кўзда тутилган. М. Вернер Шимолий Атлантика блоки аъзолари — мамлакатларнинг Москвада муваккил қилинган элчилари билан ҳам учрашади.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Қаршида 20 февраль куни Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Вилоят Кенгаши ижроқўми раисининг ўринбосари Ў. Нуруллаевнинг маърузаси тингланди.

Шундан кейин сессияда вилоят иқтисод қўмитаси раиси Р. Насимовнинг вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг 1991 йил якунлари ва 1992 йилдаги асосий мўлжаллари, вилоят молия бошқармаси бошлиғи Й. Аноровнинг 1990 йил вилоят бюджетининг ижроси ва 1992 йилнинг бюджети тўғрисидаги ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Сессия охирида «Ўзбекистон овози» республика рўзномасига 1992 йил учун обуна тўплашда фаол қатнашиб, ташаббускорлик, жонбозлик ва ҳиммат кўрсатган бир гуруҳ коллективлар ва матбуот тарқатувчиларга тантанали равишда рўзнома муҳарририятининг диплом ва фахрий ёрлиқлари топширилди. Тақдирланганлар орасида Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозлари, Қарши районидаги Карл Маркс номли совхоз каби хўжаликлар, «Эскиангорканалстрой» трести, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, вилоят «Союзпечать» бошқармаси ходимларидан Н. Михайлова ва Ҳ. Воҳидовалар бор. Мукофотларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов топширди.

Сессияда Қашқадарё вилоят ҳокими Т. П. Хидиров қатнашди ва нутқ сўзлади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қиш ҳам охирлаб қолди. Баҳор куртаклари ниш ура бошлади. Ангор районидаги «Ангор» сабзавотчилик давлат хўжалигида бу йил 645 гектар майдонда сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштирилади. Пленка остидаги карам ва помидор кўчатлари ҳосиллари эса эрта баҳордаёқ аҳоли дастурхонига тортиқ қилинади. Бунинг учун шу кунларда барча тадбирлар кўрилмоқда.



СУРАТЛАРДА: Ўрол Омонов ва Шерқул Эшқувватовлар плёнка тагидаги кўчатлар авжини кузатмоқдалар. Бригада бошлиғи Нортожи Шонаев эса ниҳолларни кўздан кечиряпти.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲАМКОРЛИК

Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқ таълими бошқа барча соҳалар каби бугунги кунда ўзининг аниқ йўлини белгилаб олиши, жаҳондаги илғор таълим тизимларини ҳаётга татбиқ этиб, жумҳуриятимизнинг тараққиётга муҳим ҳисса қўшиши зарур.

— Маорифнинг марказдан белгилаб бериладиган дастурлар сиртмоғидан чиқиб, энг самарали, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган йўлга тушиб олишини ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев. — Шунинг учун ҳам биз қисқа вақтда Афғонистон, Туркия давлатлари халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорлик шартномалари туздик.

Ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришни муваффақият гарови деб билмоқдамиз.

(ЎзА).

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙМИЗ

ТАЛАБАЛАР: ИМТИЁЗ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш, мадад бериш масаласига алоҳида эътибор билан қарамоқдамиз. Чунки Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар ҳаммамизни қалбимизни ларзага солди. Бу ўша тартибсизликлар сабабларини атрофлича ўйлаб кўришга, тегишли хулосалар чиқаришга ундамоқда.

Районимиздаги хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар, деб айтиш қийин. Улар қўриқ ернинг шўр ва сизот сувлари бўлган ҳудудларида деҳқончилик қилиб, аранг сарф-харажатларини учма-уч қилиб келаётган жамоалардир. Бунинг устига иқтисодий танглик туфайли товон тўлаш лозим бўлган, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ҳимояга муҳтож ҳисобланган табақалари ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, хўжаликларнинг харажатлари ҳам кундан-кунга кўпаймоқда.

Лекин юқоридаги сабаблардан қатъи назар ҳозирги даврдаги шароитларни ҳисобга олиб, районимиз ҳудудидан турли шаҳарларга қатнаб ўқиётган талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Чунки талабалар, ўқитувчиёшлар ҳақиқатан ҳам биринчи навбатда ана шундай ёрдамга, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган аҳоли табақасидандир. Оғир дамларда уларни асло эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Шуларни ҳисобга олиб биз райижроқўмда маслаҳат ўтказдик. Унда районимиздаги барча хўжаликларнинг раҳбарлари, депутатлар, қишлоқ кенгашлари раислари ва бошқа масъул ўртоқлар қатнашдилар. Маълум бўлишича, районимиз меҳнаткашларининг фарзандларидан 363 нафар йигит ва қиз Тошкент ва жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳарларидаги олий ҳамда ўрта махсус таълим даргоҳларида таҳсил кўрмоқда. Биз уларни қандай бўлмасин моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш чораларини ўйладик.

Кўпчиликнинг кенгашуви билан районимиз хўжаликларидан турли шаҳарларга бориб ўқиётган талабаларга йил бўйи ойида бир марта бориш-келиш йўлкирасига кетадиган харажатларни ўз зиммамизга оладиган бўлдик. Тошкент шаҳри ҳамда вилоятда 110 нафар, Фарғона, Наманган, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларида ҳам талайгина ёшларимиз билим олар эканлар. Ана шу талабаларга кетадиган ойлик йўлкиралари ўрта ҳисобда ҳар бир кишига 384 сўмга тўғри келади. Районимиздаги «Москва», «Ленинград», «Мирзачўл» давлат хўжаликларидан, айниқса, кўпчилик ўқувчилар олий ва ўрта таълим даргоҳларида ўқиётгани маълум бўлди. Лекин талабаларни моддий ва маънавий ҳимоя қилиш ишида барча хўжаликлар иштирок этиш истагини билдирдилар.

Кўпчиликнинг маъқуллаши билан талабалар йўл харажатини қоплаш юзасидан райижроқўмнинг тегишли қарори қабул қилинди. Ҳозир ана шу қарорга биноан барча хўжаликларда талабаларга белгиланган миқдорда пул берилаётир. Бу тадбирлар ҳар қайси хўжаликда, тегишли масъул кишилар томонидан амалга оширилмоқда.

Маматқул ИСАЕВ,
Комсомол район ижроия қўмитасининг раиси.

ЭРТАГА — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР КУНИ

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

ТЕМИР ИРОДАЛИ САРКАРДА

ГЕНЕРАЛ Собир Раҳимов 1944 йил кузида 65-армияга қарашли 37-гвардиячи дивизияга командир қилиб тайинланди. Худди ўша кунлари 2-Белоруссия фронтига маршал Рокоссовский келган эди. У генерал Собир Раҳимовни яхши танирди. Улар бир-бирини илиқ табриклашди. 65-армияга эса икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Павел Иванович Батов қўмондонлик қиларди. Тўрт орден нишондори бўлган бу дивизиянинг жанговар йўли Дон дарёси қирғоқларидан Сталинград остоналаригача, ундан нари—Польша тупроғигача келган.

37-гвардиячи дивизия 4—12 сентябрь кунлари ҳужум қилиб бориб, Нарев дарёсидан ўтган, фронт бўйлаб 25 километр, ичкарилиги эса 18 километрлик плацдармни эгаллаб турарди. Маълумки, Нарев ва Висла плацдрамларини немисларнинг ўзлари Германия юрагига қадалган найза, деб баҳолаганлар.

1945 йил 14 январь куни пешин пайтида Белоруссия фронтчилари Висла-Одер операциясини бошлаб юборлайсиз, қалъани эгаллаб, гарнизонни тор-мор қиласиз» деган буйруқни берди.

Раҳимов гвардиячилари Грауденц учун қирқ кун ва қирқ кеча жанг қилди, охири душман мудофаасини емириб, қадимги қалъанинг деворларини қўпориб ташлади. Гитлерчи генераллар 7 март куни эрталаб соат 8 да генерал Раҳимов ҳузурига элчи юбордилар.

— Биз енгилдик, генерал, — дейишди элчилар,— раҳим қилинг, таслим бўлдик...

«Қалъа эгалланди, Отахон! Грауденцни эгалладик, қалъа қўлимизга ўтди, — деб хабар қилди Раҳимов армия қўмондонига, —янги жанглар сари бораяпман», Раҳимовчиларнинг бу ғалабаси оғизларда достон бўлди.

Генерал Собир Умарович Раҳимов ҳеч нарсадан, ўлимдан ҳам қўрқмас эди. У қўмондонларнинг таъқиқлаши, дивизия комиссарининг илтимосларига қарамай, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, кўпинча батальонлари билан ҳужумга ташланарди. Бир куни армия қўмондони П. И. Батов Раҳимовнинг ана шундай ҳаракатлари учун таъзир бера бошлаган эди, бунга жавобан Раҳимов:

— Менинг юрагим бор, отахон, юрагимда эса севги ва ғазаб бор. Ватан севгиси мени шу ёқларга келтирди, душманга нисбатан ғазабимни қўзғади... Менинг халқим ғалабани кутаётир. У менга душманни раҳмсизлик билан яксон қил, деб буюраётир. Танамда жоним, томирларимда қоним бор экан, мен душман учун жуда хавфли кишиман. Ватанга, халқимга қасамёд этаманки, менга берилган ишончни оқлайман, сўзимнинг устидан чиқаман! — деди.

Раҳимов қўшилмаси Гданск (Данциг) шаҳри остоналарига етиб борди. Душман Шарқий Пруссиядан, Болтиқ бўйидан ва Помераниядан жуда кўп армиясини бу ерга келтирди. Данциг бўсағасида душманнинг қуруқлик, ҳаво ва денгиз ҳарбий кучлари, 50 минглик қўшин қаттиқ жанг олиб борарди. Душман ҳарбий денгиз флотининг кемалари шаҳар мудофаасини қўллаб турарди.

Март ойининг ўрталарида генерал Раҳимовнинг гвардиячи полклари генерал Батов армиясининг чап қанотида ҳужум жангларини олиб борардилар. Аввалгидек, бу сафар ҳам Раҳимов қисмларига фронтнинг энг оғир жойлари топширилган эди. Раҳимов душман қаршилигини синдириб, ўз қисмларини гитлерчиларнинг танкларига, дала тўплари ва денгиз бўйи замбаракларига, пиёда қисмлари ва бошқа қўшинларига қарши маҳорат билан ҳужум қилиб борарди. Шаҳарга уч километр қолганди. Генерал Раҳимов эса яна ўз қисмларининг олдинги сафларида борарди.

Генерал Раҳимов жанг майдонини кузатиб, зарур топшириқларни бериб турди. Пиёдалар душман ҳандақларига яқинлашмасдан туриб, фашистлар устига «Катюшада»дан яна бир марта ажал уруғини ёғдириш керак эди. Генерал гвардиячи минамётчиларнинг командири билан боғланмоқчи бўлди, адъютантига телефонни у билан улашни буюрди-да, ёнбошлаб ётганича харитадан кўзини узмасди. Адъютант (Усмон Юсуповнинг ўғли Л. Юсупов) ҳандақ ичига ирғиб тушиб, энди трубкани олган ҳам эдики, дивизия штаби аъзолари турган жойдан салгина нарига снаряд тушиб портлади!!!

— Бу дайди снаряд бўлса керак, — деди сиёсий бўлим бошлиғи полковник Смирнов ва Раҳимовга янада яқинроқ келиб ўтирди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас яна бир снаряд берироққа тушди. Шунда Раҳимов сапёрлар офицерига тўп отишмаси тўхтагунча команда пунктидаги ишларни тўхтатинглар, деб буйруқ берди. Кейин дивизия алоқачилари бошлиғига қараб:

— Отишма тўхташи билан телефонни янги ертўлага тортинглар, — деди. Бироқ вақт ўтган эди. Шу онда учинчи снаряд келиб худди штаб аъзоларининг устига тушди. Адъютант Юсупов хандақдан бошини чиқариб, тепага қараганича беҳуш бўлиб қолди: полковник Смирнов мукасидан тушиб, ҳаракатсиз ётарди, подполковник Голованнинг юзини майда осколкалар илма-тешик қилиб юборган. Генерал Раҳимов ўнг томонига ёнбошлаганча оғир нафас оларди. У қўлларига суяниб, энгагини кўтармоқчи бўлди, лекин унинг қўллари ерни тирнаганча қолди, у кўзини очиб, чуқур нафас олди, бир нарса демоқчи бўлди, гапира олмади, зўр бериб бир марта қичқирди-да, чалқанчасига ағдарилиб ётиб қолди...

Армия штабидан чақирилган жарроҳнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмади. «26 март куни, — деб ёзади армия қўмондони П. И. Батов «Болтиқ бўйида» деган эсдаликларида, 18-корпус командири менга шум хабар келтирди: кемадан отилган оғир снаряднинг тўппа-тўғри тушиб портлашидан 37-гвардиячи дивизия штаби мажақланган эди. Бир неча командирлар, шу жумладан генерал-майор С. У. Раҳимов ва сиёсий бўлим бошлиғи полковник А. М. Смирнов ҳалок бўлишди!».

Мана, генерал Батовнинг яна бир юрак сўзлари: «1945 йил 26 март куни роппа-роса соат 15 да энг яхши гвардиячи дивизиянинг командири, доно ва жанговор генерал нобуд бўлса-я! Йўқ, мен бунга ишонмадим. Дарҳол ҳалокат юз берган жойга, жанг қизиб турган ва Данциг масаласи ҳал этиладиган майдонга етиб бордим.

Йўлда кетаётиб бир рус аравакаш йиғитга учрадим: у аравасига алланималар солинган термос идишларни ортиб, ёш боладай йиғлаб борар эди. Ярадор бўлса керак, деб ўйладим.

— Тўхта ўртоқ жангчи, тўхта- — дедим. У тўхтади. Мени таниб, яна баттар ҳўнграб юборди.

— Нима бўлди, ҳой жангчи? — сўрадим ундан.

— Отахонимиз ҳалок бўлди!..».

Генерал Батов Раҳимов ҳалок бўлган жойга етиб келди. Раҳимов чўзилиб ётарди... Пўстини билан қоракўл телпаги қонга беланган. Боши билан Данцигга қараб бутун борлиғи билан олдинга интилаётгандек ажойиб тарзда ётарди.

ҚЎМОНДОН охирги видолашув нутқини сўзлади. Кейин солдат ва офицерлар ҳам гапирдилар. Ҳамма севимли командири учун қасос олажакларини айтишди. Шу ондаёқ Данцигга ҳужум бошланди. Раҳимовчилар бу шаҳарга шу қадар даҳшат билан бордиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтата олмади.

...Автомобилларнинг мотамсаро юриши Белоруссиянинг Гродно шаҳригача етиб келди. Шу ерда дафн куни бутун шаҳар бўйлаб мотам эълон қилинди. Гродноликлар кечгача қаҳрамонлар билан хайрлашдилар.

1945 йил май кунлари ўзбек халқининг тилаги билан генерал Собир Умаровичнинг ҳоки Тошкент марказидаги Кафанов ҳиёбонига дафн этилди. 1965 йилда эса Ғалабанинг 20 йиллиги шарафига СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Улуғ Ватан урушида кўрсатган жанговар хизматлари, мардлиги ва жасурлиги учун Собир Умарович Раҳимовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Армия генерали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. И. Батов 1965 йилда Данцигда бўлганида «йигирма йилдан кейин Раҳимов билан яна бир марта учрашдим» деб ёзди. Бу сафар у Раҳимов номига қўйилган океан кемаси билан учраш-ган эди. Ҳозир Польшанинг бу кемаси жаҳон бўйлаб денгиз ва океанларни кезиб, Ўзбекистондан етишиб чиққан ажойиб ҳарбий саркардани-нг номини шарафламоқда.

Муҳаммад РАҲИМ,
Улуғ Ватан уруши иккинчи гуруҳ ногиронги, республикада хизмат кўрсатган журналист.

Сирдарё вилоятининг Пахтакор шаҳрида яна бир ажиб бино қад ростлади. Бунда район матлубот жамиятига қарашли чойхона ва қаҳвахона ишга туширилди. «Амир Темур» номи берилган бу емакхонада дам олиш ва овқатланиш учун ҳамма қулай шароитлар бор.

Суратларда: чойхона-қаҳвахонанинг умумий кўриниши, ва хизматчи Зебо Ҳалимова.

Сураткаш У. ҚУШВОҚОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАРҲАМАТ, ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ЭШИТГАНЛАР ДАРМОНДА, ЭШИТМАГАНЛАР АРМОНДА!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси шу кун, шу сондан бошлаб ота-боболаримиз даврларидан элга тўй-томошаларни, фармону янгиликларни эл-юртга етказиб келган Жарчилар руҳи олдида таъзим этиб, «Жарчинома» лавҳасини очади.

Хонимлар ва жаноблар, қадрли дўсту ўртоқлар, биродарлар:

Жарчилик — қадимий ноёб касблардан.

ЖАРЧИ:

— Тўй-ҳашамга, маросимларга чорлайди

— Молу-маҳсулотингизни таърифлайди

— Ишхонангиз, жамоангизни элга танитади, шуҳратингизни оширади.

— таъзиянгизни етказади

«Ўзбекистон овози» рўзномасидаги «Жарчи» хизматидан фойдаланинг.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРНИ ТЎППА-ТЎҒРИ ШУ ЕРГА ОЛИБ КЕЛАВЕРИНГ.

Овозингизни бирданига 400 минг киши эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг барча шаҳар ва қишлоқларида, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистонда, Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва Олмонияда, Англия, Китой ва Афғонистонда муштарийларимиз бор.

«ЖАРЧИНОМА» ХИЗМАТИНГИЗГА ҲАМИША ТАЙЁР.

Манзилимиз: Тошкент-83, Ленинград кўчаси, 32-уй. 3-қават. 314-хона. Тел: 32-55-70.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

24 ФЕВРАЛЬ – 1 МАРТ

• 24, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Сиҳатсаломатлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Кичик корхоналар истиқболи». 19.50 «Шеърият дафтаридан». 20.05 Чолғу куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Чархпалак». 22.00 «Санъат усталари».

● ЎзТВ II

10.30 Физика. 11.00 «Болалигим —беғубор даврим». 11.40 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30. «Ассалому алайкум» 19.30 «Диёримни куйлайман». 19.45 «Билиб қўйган яхши». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Фермер хўжаликларида» 20.40 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.55 Ҳоким билан суҳбат. 21.25 «Узингни эр билсанг...» 22.15 «Лаҳза».

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 9.20 «Из». 9.45 «Цирк ўзи нима?». 10.25 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 1-серия. 11.30 «У «Гиря»ни севарди.».

12.00 Янгиликлар.

14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар 15.20 «Бу бўлган, бўлганди...» 15.40 «Катталар ғалати-да». Бадиий фильм. 17.00 Мультфильм. 17.30 «Маърифат асри».

18.00 Янгиликлар. 18.20 «Пи» белгиси билан. 18.50 Мультфильм. 19.00 «Ислоҳот. Ҳафтама-ҳафта». 19.40 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Вазият». 21.40 Муаллифлар ойнаижаҳони. 22.45 «Янги студия» таништиради. 00.25 «Хамлет».

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто». 10.00 «Ишонтир мени ва мен яшайман». 10.35 «Рус маданияти ҳақида суҳбатлар». 11.20 «Театр — менинг муҳаббатим». 12.20 «Очиғини айтганда». 12.50 Ғарбий Сибирь. 16.25 Болалар соати 17.25 «03» кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Ноумид бўлманг, умид қилинг ва ишонинг». 18.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.50 «Голишевга миллионлар нима учун керак». 19.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.35 «Россия билан юзма-юз». 20.00 «Ҳар куни байрам». 20.10 «Бешинчи ғилдирак». 22.00 Хабарлар.

• 25, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Насим Хошимов куйлайди». 9.00 «Қанотлар парвози». Бадиий фильм. 10.30 «Ёшлик». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Истеъмол бозори ҳақида ўйлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Тадбиркорлар». 19.50 «Спортлото». 19.55 «Тилимиз муаммолари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Истеъдод». 21.45 Қўзижон Отажонов куйлайди. 22.20 «Упирилиш». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» «СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!» 19.00 Классик оперетталар саҳифаларидан. 19.40 Кичик концерт. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 Спорт кинопрограммаси. 21.10 «Устахона». 21.50 «Кинонигоҳ». 23.35 «Пульс».

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Концерт. 9.20 Россиянинг Тургенев қадамжолари. 10.25 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 2-серия. 11.30 Ҳужжатли фильм.

12.00 Янгиликлар. 12.20 Ҳужжатли фильм премьераси. 12.50 С. Танеев. 2-симфония. 13.25 Ритмик гимнастика. 13.55 «Ока дарёси яқинидаги уй». 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Бу сизга керакми?». 14.45 «Савдо растаси».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Нафас олиш гимнастикаси. 15.35 «Кулаётган одам». Бадиий фильм, 1-серия. 16.50 «Болалар мусиқий клуби». 17.30 «Чемпионлар билан биргаликда».

17.45 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «Тунги альбом». 19.00 Катталар учун мультфильмлар. 19.10 «Ҳужжат». 19.40 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 2-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Кинопанорама». 22.35 «Мусиқий карвон сарой». 23.40 «Беш плюс». 00.40 Теннис. Россия кубоги. 01.10 Майя Кристалинскаяни эслаб.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Француз тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 Осетиянинг навқирон мусаввирлари. 10.50 «Қалб армуғони». 11.35 Ғарбий Сибирь. 12. 25 «Нарти» отлар театри. 13.25 Россия ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари корхоналарининг амалий ҳамкорлиги ҳақида кўрсатув. 13.45 Деҳқонларга таллуқли масала. 14.00 «Россия бизнесмени-91». 16.20 «Умр кузи». 16.35 Классик куйлардан концерт. 17.00 «Простор». 17.35 «Республика» ижодий бирлашмаси таништиради: 18.00 Хабарлар. 18.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 «Мансаб алифбоси». 18.55 Ишдан бўш пайтингизда. 19.20 «Ҳар куни байрам». 19.35 Россия телевидениеси ҳамда РИА телевидениеси таништиради: 22.00 Хабарлар.

• 26, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Зарипов чавандозлари». 8.55 «Маҳфий элчи». Бадиий фильм. 11.05 «Ёшлик».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Эл тинчлиги йўлида». 19.50 «Мерос». 20.15 «Тадбиркорлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 «Оила». 22.20 «Мукофотлансин. (Ўлимдан сўнг)» Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» 19.20 «Ассалом, Қувайт!». 19.50 «Узоқ ўтмиш». Бадиий фильм. 21.20 «Шунчаки ҳазил». 21.50 «Раъно Шарипова ҳузурида». 22.25 Театр шарҳи.

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.30 «Болалар мусиқий клуби». 9.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.25 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 3-серия. 10.45 «Кинопанорама».

12.00 Янгиликлар. 12.20 Телефильм. 13.05 Янги номлар. 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Қалмиқ Давлат «Ойрати» рақс ансамблининг концерти. 15.50 «Кулаётган одам». Бадиий фильм, 2-серия. 17.00 «Истеъдодлар ва мухлислар». 17.50 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига.

18.00 Янгиликлар. 18.20. «Икки томон ҳақ бўлса, унда ким ҳақ». 18. 50 «Мусиқани кўзим билан кўрмоқчиман». 19.25 «Танобчилар даври». Бадиий фильм, 3-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 Хроникал-ҳужжатли фильм премьераси. 22.15 «Сердаромад жой». 23.10 Мусаввир Татьяна Маврина. 23.45 Дам олиш кўрсатуви. 01.05 Теннис.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Немис тили. 9.35 «Тунда ким ўроқ ўради?». 10.05 «Тилла шпора». 11.05 Ғарбий Сибирь. 11.45 А. Н. Скрябин туғилган кунинг 120 йиллигига бағишланади. 12.15 «Бешинчи ғилдирак».

16.25 Болалар соати. 17.25 «Менеджерлар мактаби». 18.00 Хабарлар. 18.20 «Ҳар куни байрам». 18.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.50 «Узоқ Шарқ» телекўрсатуви. 19.35 «Эконом». 19.50 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.05 «Ҳар куни байрам». 20.15 «Менга сўз беринг». 20.30 «Футбол йиллар оша». 22.00 Хабарлар. 22.20 «Экзотика». 23.20 Асл ҳолича.

• 27, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Насиба». Фильм-концерт. 9.05 «Мудхиш хато». Бадиий фильм. 10.40 «Жаҳонга йўл: дўстлик риштали». 11.10 «Танаффус».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар: 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Деҳқон юмушлари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Дил номалари». 22.00 «Ўзлигинг намоён қил...». Адабий-бадиий кўрсатув.

● ЎзТВ II

10.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда» 21.40 «Кинонигоҳ». 23.25 «Пульс.

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.30 «Мусиқани кўзим билан кўрмоқчиман». 9.00 Хроникал-ҳужжатли фильм премьераси. 10.00 «Сердаромад жой». 10.55 «Истеъдодлар ва мухлислар». 11.45 Мультфильм.

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Пи» белгиси билан. 13.10 «Инсон ва қонун». 13.50 «Орёл сувенири» дастасининг чиқиши. 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «Кулаётган одам». Бадиий филм, 3-серия. 17.15 От спорти.

18.00 Янгиликлар. 18.20 Мультьфильм. 18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.20 «Музқаймоқ мавсумининг охири». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Қора қути». 22.00 «Эфирда мусиқа». 23.45 Теннис. 00.45 «Ўтмиш садолари».

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар 8.20 Испан тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Испан тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 «Сирин—куйловчи қуш». 11.20 «Мен ва бошқалар». 12.30 Ғарбий Сибирь. 13.10 Ҳужжатли фильм. 14.00 «Россия бизнесмени-91». 15.55 Касбга бағишлов. 16.25 «Ўхшаш дунёлар». 17.10 «Хусусий мактаб». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Бозор ва маданият». 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. 19.20 Г. Явлинский «Нота бене» студиясида. 20.20 «Ҳар куни байрам». 20.30 «Санта-Барбара». 21.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.45 Махсус тижорат хабарномаси. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак». 00.05 «Рақс марафони».

• 28, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Ринг». Бадияй фильм. 10.00 Телефильм. 10.20 «Нишона». 10.50 «Мактабгача тарбия» ойномаси—меҳмонимиз.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Ишбилармонлик — кони фойда». 19.50 «Куйла, дилкаш дуторим». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Маърифатнома». 21.35 «Жаннатга йўл». Спектакль. 22.55 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

17.05 **АШХАБОД КУРСАТАДИ.**

● «ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.50 «Музқаймоқ мавсумининг охири». Бадиий фильм. 10.15 «Эфирда мусиқа».

12.00 Янгиликлар. 12.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Саёҳатчилар клуби». 14.00 Давлат академик симфоник оркестри чалади. 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ғолиблар». 16.05 Болалар учун фильм. «Иванко ва подшо Поганин». 17.25 Мультфильмлар.

17.50 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарофонига.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «Чао, Буйнов, чао». 18.35 «Инсон ва қонун». 19.15 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 8-серия. 19.45 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «ВИД» таништиради. 00.35 «Ахлатдаги атиргул». Бадиий фильм. 01.35 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Инглиз тили. 10.35 Ғарбий Сибирь. 11.35 Мусаввир С. Егоров. 11.55 «Бешинчи ғилдирак». 13.40 «Деҳқонларга таллуқли масала». 16.00 «Простор плюс». 17.10 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.25 «ТелеЭКО». 18.00 Хабарлар. 18.20 «Устоз шарафига». 19.45 Мультфильм. 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.20 «Ҳар куни байрам». 20.30 «Санта-Барбара». 21.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Пепси стилида мусиқа». 23.20 «Мутлақо маҳфий».

• 29, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Ҳамшаҳарлар». 10.00 «Ишбилармон кишилар». 10.15 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.45 Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси. 11.45 Шоирлар —болаларга. 12.15 «Ўзбекистон саноати». 12.45 «Чорраҳа». 13.25 «Заминдас». 15.15 «Мезон». 16.30 «Яхшидан боғ қолади».

18.00 Мультфильмлар. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Оламга саёҳат». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 21.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...». 22.10 «Дилдаги гаплар».

● ЎзТВ II

9.00 **ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ.**

● «ОРБИТА IV» (Москва)

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 Эрталабки мусиқий кўрсатув. 9.00 «Марказ». 9.40 «Мусиқий дўкон». 10.10 С. Рахманинов романслари 10.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 12.00 «Сиз бунга қодирсиз». 12.45 «ЭХ». Экологик хроника. 13.00 «Китобхона». 13.50 Мультфильм.

14.00 Янгиликлар. 14.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 16.25 Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 «Омад». 17.40 «Кўплаб мусиқалар». 18.30 «Балет ва живопись». 19.00 «Ҳайвонот оламида». 19.45 «Саккиз қиз — бир ўзим». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 Спорт оқшоми. 22.25 «50х50». 23.45 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 Миллий баскетбол уюшмаси баскетбол шарҳи. 9.20 Ишдан бўш пайтингизда. 9.35 «Агар сиз...» 10.05 «Ғарбий Сибирь».. 11.00 «Ўз қўнғироқхонасидан». 11.20 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм.

13.00 **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ**

18.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

19.20 «Познер ва Донахью». 20.15 «Ҳар куни байрам». 21.35 «Бизнес МИ» таништиради.

22.00 Хабарлар.

22.25 «К-2» таништиради.

• 1, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 8.55 «Егорка». Бадиий фильм. 10.00 Араб тили. 10.30 «Футбол майдонларида». 11.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад». 12.50 «Болалигим —пошшолигим». 13.35 «Мулоҳаза». 14.15 «Меҳнатим элга манзур». 14.45 «Касби—кинооператор». 15.45 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит». 16.25 «Меҳр».

18.00 «Санъат ғунчалари». 18.30 Турк тили 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Мультипанорама». 19.55 «Ассалом, баҳор». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Мушоҳада». 22.00 «Харидоргир... йиғит». Телеспектакль.

● ЎзТВ II

9.05 **БИШКЕК КУРСАТАДИ.**

● «ОРБИТА IV» (Москва)

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Ўзўзингга мадад бер». 9.15 «Эрта саҳарлаб». 9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.25 «Сергей Алимов. Автопортрет». 11.10 «Камалак». 11.45 «Берлиннинг таслим бўлиши». Бадиий фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Тонг юлдузи». 16.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 16.50 «ТВ-Нева» таништиради. 17.10 Мультфильм. 17.20 Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...». 18.50 «Телелоция».

19.00 Янгиликлар. 19.20 «Саёҳатчилар клуби». 20.20 Ҳажвий кўрсатув. 20.30 «Кузги марафон».

22.00 «Якунлар». 22.45 Саҳнанинг орқа томонида. «Табассум билан». 23.00 «Сан-Ремо-92».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди.).

ТУРУНГ

Теҳрондан Тошкентга мактуб олинди. Унда Осиёнинг бу қадимий шаҳрида «Эрон — Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон—Эрон» дўстлик жамиятлари ўртасида имзоланган битим мазмуни тўлиқ баён этилган. Мазкур ҳужжатга биноан 1992 йилда шу жамиятлар йўли билан икки мамлакатда бир қатор тадбирлар ўтказилиши маълум қилинади. Улар

НАВРЎЗДА ЭРОН САНЪАТИ

орасида Наврўз барами кунлари Ўзбекистонда Эрон маданияти кунларини ўтказиш кўзда тутилган. Бу тадбирда хорижий давлатнинг адиблари, мусиқачилари, қўшиқчилари маданият ходимлари қатнашадилар. Бундан ташқари иккала мамлакат ўртасида мусиқа ижрочилари концертларини айирбошлаш юзасидан ҳам режа белгиланган.

Битимда кўрсатилишича, у ер бу ерда китоб дўконларини очиш форс тили ўқитувчиларининг Эрон илмий масканларида малака ошириши ва бошқа тадбирлар белгиланган. Бу ҳужжатни «Эрон—Ўзбекистон» жамияти раиси Али Ризо Шайх Аттор ва «Ўзбекистон—Эрон» жамияти раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси Эркин Хўжаев имзоладилар.

МАЪНАВИЯТ

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман!

● 51. Оллоҳ: «Икки худога бандалик қилманглар! Фақат биргина илоҳ бордир, холос. Бас, Мендангина қўрқингиз, деди. 52. Осмонлардаги барча нарсалар ва ер Унинг мулкидир. Барча тоат-ибодат ёлғиз Унга (бўлмоғи лозимдир). Оллоҳдан ўзгалардан (яъни, жонсиз бутлардан ёки ўзларингизга ўхшаган одамлардан) қўрқурмисизлар?! 53. Сизларга берилган барча ноз-неъматлар ёлғиз Оллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга (бирон) бало-мусибат етса ҳам фақат Унгагина илтижо қилурсизлар. 54—55. Сўнг, У зот сизлардан балони аритганида эмас, баногоҳ сизларнинг орангиздан бир тўда чиқиб, Биз уларга ато этган нарсаларга куфрони неъмат қилишиб, Парвардигорларига ширк келтирурлар. Бас, (эй, мушриклар, тўрт кунлик дунёда Биз берган неъматлардан) фойдаланиб қолинглар, Яқинда, (яъни, қиёмат кунида шу ширкларингизнинг оқибатини) билурсизлар. 56. Улар Биз ризқ қилиб берган нарсалардан ўзлари билмайдиган (яъни, жоҳилликлари, билимсизликлари сабабли худо деб ўйлаган) бутлари учун насибат ажратурлар. (Эй, мушриклар). Оллоҳ номига қасамки, албатта сизлар ўзларингиз тўқиб-бичиб олган бутларингиз тўғрисида (қиёмат кунида) масъул бўлурсизлар. 57. Улар: («Фаришталар Оллоҳнинг қизлари», дейишиб), у «қизлар»ни Оллоҳники қилиб қўйишди — У зот (бу бўҳтондан) покдир — ўзларининг кўнгиллари тусаган нарсани

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

(яъни ўғилларни) эса ўзлариники қилиб олишди. 58. Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. 59. Ва у (қизни) ҳўрлаган ҳолида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида, бундайлар, ўй суриб), бу—хушхабар берилган нарсанинг (яъни қиз кўришнинг) «ёмон»лигидан (ўзича уялиб) одамлардан яширинib олур, Огоҳ бўлингизким, улар (бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни, ноҳақ) ҳукм чиқарурлар.

● **Изоҳ: Ислом дини келишидан илгари арабларда ваҳший бир одат бор эди: улар қиз фарзанд кўришни ўзлари учун ор деб билишар ва кўплари қизларини тириклай ерга кўмиб юборар эдилар. Бунга сабаб динсизлиги ва кимсаларнинг жаҳолат ва кибр-ҳаволари бўлиб, айрим тарихчи уламолар бу разолатни бир воқеага боғлайдилар; узоқ ўтмишда бутун араб жазираси Нўъмон исмли подшоҳ қўл остида бўлиб, барча қавм-қабилалар унга бож тўлар эканлар. Бир йили қабилалардан бири зиммаларидаги солиқни тўлашдан бош тортишганида, подшоҳ аскарлари бостириб келишиб, у қабиланинг ҳамма хотин-халаж, ўғил-қизларини асир қилиб олиб кетишган ва уларни ўз қабилаларига қайтариш учун бож тўланишини шарт қилишган экан. Бу талаб бажарилгунча орадан ўтган фурсат ичида қабила бошлиғининг қизи билан подшоҳнинг ўғли бир-бирларига кўнгил қўйиб қолишган экан. Шунинг учун қиз бошқалар сафида ўз юртига қайтиб кетишдан бош тортади. Ҳеч қандай дўқ-пўписа ва ялиниб ёлворишлар кор қилмагач, қизнинг отаси — қабила бошлиғи душманига кўнгил қўйиб, ўзини шарманда қилган қизидан ниҳоят даражада ғазабланиб, бундан кейин қиз кўрса, албатта тириклай ерга кўмишга қасам ичади. Шундай қилиб, бу қабиҳ одат авлоддан-авлодга ўтиб тарқаб келаверади ва қачонки Ислом дини вужудга келгач, Қуръон бу ярамас одатни ман этади.**

«Қуръон»нинг Наҳл сўрасидан.

ЭСЛАТМА: Азиз муштарийлар! Ушбу муқаддас калом битигини фарқламоқликни сўраймиз.

ЖАҲОН НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ МУЛОҚОТИ

Ўрта Осиё истиқлол жумҳуриятларининг халқаро майдонга чиқишида Туркия катта аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлади Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин.

Вазир Туркия Буюк миллат мажлисининг режа-бюджет комиссиясида Ташқи ишлар вазирлиги бюджетни муҳокама қилиш чоғида шу фикрни билдирди. Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл АҚШда бўлган чоғида Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти Туркиянинг бу ниятини қўллаб-қувватлади.

* * *

Ўрта Осиё истиқлол давлатларига таъсир доирасини кучайтириш хусусида Туркия билан Эрон ўртасида қарама-қаршилик йўқ, деди Туркия Президенти Турғут Ўзол.

У Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти кенгаши ўз ишини тугаллаганидан сўнг журналистлар билан учрашув чоғида шу фикрни айтди.

* * *

Туркиянинг Қора денгизга туташ қирғоқларида оқ китлар пайдо бўлди.

Қизиғи шундаки, бу улкан денгиз ҳайвонлари одатда совуқ сувларда яшаса-да, иссиқ денгизда мазза қилиб сузиб юришибди. Соҳил бўйида яшовчи аҳоли бу ноёб жониворларни ҳимоя қилиш ва қутқариш тадбирларини бошлаб юборди.

(УзА—Анадўлу).

МУСАВВИР ИЖОДХОНАСИДА

● Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев.
Р. ШАГАЕВ олган сурат.

ЯРАДОР ТУРНА

Менга бу воқеани Хонқа ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги боғбони Собиржон Раҳимбердиев гапириб берган эди.

— Узоқ йили, баҳорнинг илк кунлари эди, — ҳикоя қила бошлади Собиржон. — Шу десангиз, «Олчинбоғ» осмони устидан арғумчоқ ташлаб учиб ўтаётган бир гала турнага кўзим тушиб қолди. Улар назаримда, негадир ёқаётмас «қурей-қурей»лаб, ҳорғин учаётгандек эди.

— «Узоқлардан келишаётганга ўхшайди, жониворлар, роса чарчашган кўринади, — хаёлимдан ўтди менинг.

Негадир ўша заҳоти раҳмим ҳам келди: — қулай бир ерга қўниб, дам олиб ўтишса бўлармиди?».

Орадан бир икки дақиқа кечмай ҳаяжоним беихтиёр ошаёзди. Боғимиз теппасига етганда турналар пастлашди, улар сафидан биттаси ажралиб, тўғри уйимиз яқинидаги қамишликка оҳиста қўнди. Узоқдан «пат-пат» қилиб қанотларини ерга ургани эшитилди. Қўнган ерини кўз остимга олиб турибман: негадир у қайтиб учмади. Шериклари эса боғ тепасидан зорланиб қурей-қурейлаганча икки марта айланиб учишди-да, яна баланроққа кўтарилишди ва парвозини давом эттиришди. Улар кўздан йўқолгач, қамишликка қўниб, учмай қолган турна томон юрдим.

Унга яқин бордим. Турна қўрқиб, жон ҳолатда бир силкиндию, учмоқчи бўлди. Лекин учолмади. Бир-икки қанот қоқиб, уч-тўрт қадам ергача қийналиб сакради ва тақдирга тан бергандек жим ётиб қолди. Ўшанда ҳушёр тортдим: «У қаттиқ ярадор бўлган».

Мен уни қўлга олдим. Не кўз билан кўрайки, у чиндан ҳам яраланган эди: чап қанотининг нақ биқинига яқин еридан тирқираб қон оқаётган, патлари ҳўлланганидан зил-замбилдай бўлиб қолаётган экан.

...Собиржон турнани олиб уйга келди. Қанотининг қон оқаётган жойларига малҳам босиб, оқ дока билан оҳиста бойлаб қўйди. Жонивор типирчилаб, қўлидан чиқиб кетишга уринар, ҳуркиб жон ҳолатда учмоқчи ҳам бўлди. Собиржон малҳамни кун оша янгилаб турди, яралари тузалиб кетгунча турнани уйнинг битта хонасида асради, дон-дун бериб парваришлади. Бу орада жонивор ўзининг халоскорига шунчалик ўрганиб кетдики, ҳатто кафтида дон тутса сира ҳадиксирамай келиб чўқилайдиган ҳам бўлиб қолди.

Орадан кунлар, ҳафталар ўтаберди. Турна бутунлай соғайди. Собиржон уни ташқарига олиб чиқадиган бўлди. Турна ҳовли атрофидаги боғда Собиржонга эргашганча сайр қилар, баъзан яқин атрофларга бориб, тағин ҳовлига қайтиб келар, уй атрофидан узоқлашмасди. У ҳатто бир-икки марта қанотларини ҳам синаб кўрди, кўкка парвоз қилиб, боғ устидан айланиб учар, бундай пайтда Собиржоннинг кўнглидан «Ана, энди учиб кетади», деган хаёл кечар, аммо турна уни хайратда қолдириб изига қайтар ва ҳовли олдидаги саҳнга оҳиста қўнарди.

Куз охирлаб қолганида унинг шериклари «қурей-қурей»лаб, яна Собиржоннинг боғи устида пайдо бўлишди. Жониворлар бу ерда ҳолсизланиб қолган шеригини унутишмабди. Улар «Қаердасан, тирик бўлсанг жавоб бер» дегандек зорли нидо қилишди. Бу пайтда турна ҳовлида юрган эди. У аввалига «Борман, тирикман», дегандек осмонга қараб садо берди. Кейин гўё «Шериклларим қайтишди, кетаверсам бўладими?», дегандек оҳиста юриб, халоскори олдига келди. Собиржон қувониб кетди:

— Бор, жонивор, уч. Ўз тўпингга қўшил, — деди у турнани меҳр билан сийпаб — Тез учақол, шерикларингни бағрига бор. — У шундай дедию, турнани парвозга йўллади. Азамат қуш енгил қанот қоқиб, ҳамон боғ тепасида айланаётган қавмига қўшилди. Шундан кейин ҳам турналар, ёзни бу ерда даволаниб ўтказган шеригининг ўзлари тушунадиган даъвати билан бирга олиб кетар эканлар, сўлим бу маскан устидан яна икки марта доира ясаб учишди.

Бу уларнинг меҳрибон халоскорига бўлган раҳмати, самимий миннатдорчилиги ифодаси эди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШЕЪРИЯТ МУҲЛИСЛАРИГА

Қорақалпоғистон шоирлари ижодидан

Тўлибой ҚОБУЛОВ

ОНА НАСИҲАТИ

Икки сўзнинг бирида
Эшитардим онамдан:
— То тириксан, эсда тут:
Қарзинг бор ҳар одамдан.

Одам деган жаҳоннинг
Порлаб турган жамоли —
Бор бўлса ҳам халқ ичра
Яхшилари, ёмони...

Керак, тушун шу сўзни —
Суянчингдир одамлар!
Теран тушун шу сўзни —
Таянчингдир одамлар.

Яхшиларга ҳар доим
Кучоғингни очиб юр.
Ёмонларга ёндошма,
Кел деса ҳам қочиб юр.

Ишин кўру сабоқ ол
Ҳам яхши, ҳам ёмондан.
Ҳаддингни бил, кеккайма,
Ўзиб кетма замондан.

Ҳаддан ошсанг, кеккайсанг
Ўзиб кетсанг замондан,
Кимлар сени сўкмайди
Тарқалган деб ёмондан!!

СЎЗ ТИҒИ

Қанча оғир сўзни кўтарган одам
Кўтара олмас мумкин бир сўзни.
Ғазабини ичга ютолган одам
Ер томон қадамас бекорга кўзни.

Тушун, чуқур англа сўз заҳмин, болам,
Эл яхши сўз учун жонидан кечди.
Бир оғиз сўз учун Бойсари бобонг
Жийдали Бойсундай юртидан кўчди.

ТОНГ ОТИБ КЕЛМОҚДА...

Тонг отиб келмоқда оқариб,
Уфқлар ялтирар тип-тиниқ
Ёприлиб келмоқда оппоқ нур,
Айтмоқчи шекилли янгилик...

Қушлар ҳам бузмасдан сафларни,
Бошлайди боғларга сафарни.
Қитиқлар қуёшнинг нурлари
Майса, гул, дарахту шохларни.

Жимирлай бошлади соҳиллар,
Дарё ҳам кенгликни соғинар,
Чопқиллар ўмбалоқ ошганча
Шошқалоқ тўлқинлар,
оқимлар.

Қоронғи тарқалиб-йўқолиб,
Сўқмоқлар ҳар томон йўл олиб,
Уйқудан уйғонган дилбардай
Табиат яшнайди дўланиб.

Шуъладан гўзаллик яралиб,
Кетади оламга таралиб,
Оппоқ тонг бўй тиклар самода
Заминга суяниб-таяниб.

Тонг отди ажойиб-ғаройиб,
Уфқлар ялтирар тип-тиниқ.
Бу ёруғ жаҳонга албатта
Айтаман мен ҳам бир янгилик...

* * *

Жиянбой ИЗБОСКАНОВ

Олмаларга ачинаман мен,..—
Шифо-таъмга тўлган чоғида,
Сентябрнинг ларзон боғида
Шамол тўкиб, ерга қилар тенг.

Ана, чангда ётибди бари,
Ғарқ қорилиб ширага, нурга.
Олма узра оҳ чекар турна,
Оҳ чекар ғоз — фано қушлари.

Куз жўнайди шимарганча енг,
Бирон олма шохларда қолмас.
Олмаларга ачинмай бўлмас, —
Қиш ўтгунча ғаш юраман мен...

САКСОВУЛ

Қумда — қатиқ уютилган зарангда
Ўчакишиб, энг тепада ўсган — сен
Мен биламан, томирларинг теранда,
Етти қават ер остини тешган — сен.
Ёзда келиб ёпинсак биз соянгни,
Гурлаб ёниб исинтирдинг қишларда.
Чўлнинг кўрки, посбонисан сен, яъни —
Ибрат бўлар фазилатинг шулар-да!
Болаликдан қадрдонмиз иккимиз,
Менинг бола қалбимга завқ солардинг.
Хаёлимда ботирлардай, изма-из
Саф тортишиб, кўкрак кериб турардинг.
Сени севиб, мақтов битган шоирдир,
Шеър, қўшиқдан муносиб жой олдинг сен.
Сенга иши тушган одам «Қойил!» дер,
Шул сабабдан сийраклашиб қолдинг сен.
Ғамгин дилга мунгдош бўлиб нолишинг,
Армонларни қум устига тўшайди.
Чўл бўлса ҳам тўққан ерни севишинг —
Мард халқимнинг хислатига ўхшайди!

УВОЛ

Ҳаётдан кўз юмгандай ёш қиз —
Сой бўйида синса сарвитол,
Ўт ёқади жонимга бир ҳис,
Увол ахир тол умри, увол!

Очилмаса агар қиз бахти,
Қадр топмаса — бу ҳам бир увол,
Қилмагандай вафо шоҳ тахти —
Нозик кўнгли чекади малол.

Кўк узилса дарахт меваси,
Инсофсизлик дердим мутлақо.
Увол яна, шоир мероси
Топилмаса муносиб баҳо!

Умр ҳақида ўйлайман ҳар гал:
Бўлмасин-да у увол фақат!
Асраб келар дунёни азал
Хайрихоҳлик, меҳру шафоат...

М. АҲМЕДОВ,
таржималари.

64 КАТАК СИРИ

ҚИЗИҚАРЛИ ВАЗИЯТ

Кейинги ойларда мухлислардан келаётган мактублар сони яна анча кўпайиб қолди.

— Мен, — деб ёзади Алишер Эргашев саломдан сўнг, — шахмат ўйинини жуда-жуда яхши кўраман. Шахмат ҳақида босилаётган мақола ва масалаларни топиб ўқишга ҳаракат қиламан. Мен Тошкент давлат дорилфунуни риёзиёт куллиётининг 1-курсида таҳсил оламан. Шахмат менга фикрлашимнинг кенгайишига ёрдам беради. «Ўзбекистон овози» рўзномасида шахмат тўғрисида кўпроқ мақолалар чиқишини истар эдим.

28 октябрь куни эълон қилинган шахмат масаласини қуйидагича ечдим: 1. Фсв! ва кейинги юришда мот.

Жавобингиз тўғри, Алишер.

— Ассалому алайкум Мамажон ака, сизга Сурхондарё вилояти, Ленин йўли ноҳияси Истара совхози марказида яшовчи А. Ҳидоятов номли мактаб ўқитувчиси Муродов Ўроз ёзмоқда. Бизнинг совхозда шахмат ихлосмандлари жуда кўп. Ҳар йили бўлиб ўтадиган совхоз биринчиликлари ва бошқа саналарга бағишланган мусобақаларнинг ҳар бирида 25-30 шахматчи қатнашади. Уларнинг кўпчилиги 1 разряд даражасида ўйнашади.

Яқинда қизиқ бир вазиятга дуч келиб қолдик, лекин унинг ечимини тополмадик. Ҳеч қайси адабиётда, чунончи сизнинг китобларингизда ҳам йўқ экан. Мана ўша ҳолат:



Қораларнинг охирги юриши a7-a5 бўлган эди. Шу онда оқлар шоҳи билан пиёдани уриб олгандек уни a6 хонасига юриб қўйди. Бундай ҳолатга биринчи бор дуч келишим. Шунақа қоида ҳам борми ўзи?! Жавобини кутаман.

Бундай қоида йўқ, лекин оқ шоҳнинг ўрнида оқ пиёда турганда эди, у «кўзидан» ўтган қора пиёдани уриб олиб, уни хонасига олиб қўйиши мумкин эди. Хоҳласа урмаслиги ҳам мумкин. Ихтиёр ўзида. Бундай йўлда уриб олиш қоидаси пиёдаларгагина тегишлидир.

— Ассалому алайкум ҳурматли муҳарририят, — деб бошлабди ўз мактубни Ғузорлик мухлис Раззоқ Муродов, — мен рўзномада эълон қилинган «Юришда ҳам юриш бор» номли мақолангизни мириқиб ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат, бундай шахмат комбинациялари улкан санъат асаридек, ҳузур бағишлайди.. Вазифанинг жавоби эса 1. Фсв!... Кўпгина жумҳуриятларда шахмат синфлари очилган. Бизда йўқ. Нега жумҳуриятимизда шахмат ҳақида ойнома, рўзнома, ҳеч бўлмаса бюллетень чиқарилмайди?

Ҳурматли Раззоқжон, эътирозларингиз тўғри, истакларингиз амалга ошадиган кунлар истиқлолимиз мустаҳкамлангач, албатта амалга ошади, деган умиддамиз.

Энди азиз дўстлар, қуйидаги масалани ечиб кўринг.

Оқлар бошлаб, 4 юришда мот қилади. Жавобларингизни кутамиз.



М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; ёзғатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-36, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Узбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 38.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.